



Аксарият тарихчилар, ҳуқуқшунослар, файласуфлар ва сиёсатшунослар Шўро иттифоки тасарруфидаги бешта Туркистон жумҳуриятининг «мустақил» давлатлар эканлигини зўр бериб исботлашга ҳаракат қиладилар. Буларнинг баъзилари: «Шўро иттифоки социалистик миллатлар мустақиллигини сиёсий таянчи ишчилар синфий диктатурасининг ҳукмронлигида намоён бўлади (Туганбоев, Октябрьская революция и развития казахской советской национальной государственности, Алма-Ата, 1967, 49-6.), деб таъкидлайди. Бошқалари эса шўро социалистик жумҳуриятларида хатто ўзига хос ҳуқуқ мустақиллиги ифода қилинади», дейди.

Айрим олим ва тарихчилар ҳуқуқига кўра, «миллат мухторияти» социализмнинг ўзига хос бир шаклидир. Чунки «СССР уларнинг миллий ҳукмронлигини амалга ошириш учун кафолат вазифасини ўтайди» (Ражабов, Таджикское ССР, 131-6.). Бундан ташқари, «социалистик миллатлар» шаклланиши давлат ҳукмронлиги орқали амалга оширилиши зарур деб ҳисобланади («Социалистик миллатлар»нинг атрофлича таърифини қуйидаги шўровий манбалардан кўрасиз: «Формирование социалистической нации в СССР. - Москва: 1962, 368-6.). Шўро манбаларида «миллий жумҳуриятлар» тузиш билан миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳада қилинганлиги таъкидлаб ўтилади. Шўро муаллифларидан бирининг фикрига кўра, ҳар бир миллат ўз тақдирининг ёлғиз эгасидир ҳал қилувчиси. Бундай ҳуқуқ эса миллат иродасининг эркин ифодаланишидир. Миллатнинг бу ҳуқуққа, ҳақиқатан, эришиши учун шароит яратиб берилиши лозим (Тузмухаммедов, Ответ клеветникам. Самоопределение народов Средней Азии и международное право. - Москва: 1969, 51 - 55 б.). Фикрлар амалда рўёбга ошадиган бўлса, ҳеч кимса бунга эътироз билдира олмасди, аммо Шўро иттифокидаги халқларга ҳокимият ҳақи (суверинитет) берилмаганлигини ҳам унутмаслик

керак.

Шўро ҳукумати раҳбарияти ва мафкурачиларининг «миллий шўро жумҳуриятлари ҳукуклари» ташкаридан караганда, принципиал масалаларда ишончли, асосли бўлиб кўринади. Яъни ҳар бир шўро жумҳурияти шаклан ўз чегараси, олий шўрбси (парламенти), давлат раиси, ҳукумати, байроги ва мадҳия (гимн)сига эга. Бундан ташкари, Шўро иттифокидаги ҳар бир жумҳурият бу иттифокдан ўз ихтиёри билан чикиб кетиш ҳукукига эга ҳамдир (Гулямов Г., СССР конун асоси ва шўролар курултойининг ясашиши. - Тошкент: 1925, 57-6. Ажралиб чиқиш ҳукуки 1936 йилги ўқийриқда ҳам қафолатланади. Аммо «Иттифок»дан ажралиб чиқиш усули бирорта ўқийриқда кўрсатилмаган. СССРда ўқийриқ маҳкамаси ҳам мавжуд эмас.). Булардан келиб чикиб, ҳар бир шўро жумҳурияти, ҳақиқатан ҳам, мустиқил давлат бўлиб кўринади. Бунинг ички моҳиятини тушунмаганлар бу куруқ гапларга лаққа тушиши аниқ. Масаланинг аслини иқир-чиқиригача ўрганиш келажакнинг иши, деб караш керак, чунки миллат ҳаётидаги бу изтиробли йиллардаги асл ҳақиқатни билиш атрофлича чуқур изланишни талаб қилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу иқирчиқирлар, тафсилотлар миллатларнинг ўз давлатини бунёд қилиш низоми тушунчаси билан мутлақо алоқаси бўлмаган ҳолдадир. Туркистондаги миллий жумҳуриятларнинг давлат органлари Москвадан руҳсат сўрамай ёки фатвосини олмай ички ишларига оид бирор қарор қабул қила олиш ҳукукини қўлга қиритмагунча миллий ҳуқуқронлиқ қафолати ҳам ҳечдир. Ҳар бир миллат ўз-ўзини бошқариш ва ҳалқи манфаатларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга ошириш, ҳимоя қилиш вақолатига эга бўлгандагина ўз тақдирини ўзи белгилади, дея олишимиз мумкин.

Бу ҳақида қанча куруқ сафсата сотилишига қарамай, шўро тузумида уни амалга оширишнинг иложи йўқ. Туркистонлиқ «давлат раиси» ёки «бош нозир»ни ёнида қузатиб юривчи икки ёки уч нафар «ёрдамчи» рус бўлиши (Татаристон АССР Халқ комиссарлиги шўроси раиси Саид Галиев (1894 - 1938) 1921 йил 20 июлда Ленинга шундай деди: «Эзилган миллатларнинг меҳнатқашлари ва коммунистларига нисбатан юқори савияли аввалги ҳоким миллат коммунистларининг ўқитувчи ва мураббийи ролини ўйнаши лозимлиги тўғримиқан?» Ленин шундай жавоб берди: «Ўқитувчи ва мураббий эмас, ёрдамчилар». Қиёсланг: Азизбеков, В. И. Ленин друқ народоқ Востока, 11., 1967, Бақу, 157-6. Бу «ёрдамчилар» муассасаси ҳозирга қадар барча шўро «миллий» «давлатлари»да илдиқ отди. Туркистонда партия ва давлатда рус устунлиги ҳақида қаранг: В. Қаюмхон, 45-йил ичида Туркистон, МТ, 1962, 92-сон, 5-13 б., 93-сон, 3-10 б., 1963; 94-сон, 3-13 б., 95-сон, 3-16 б., 96-сон, 5-15 б., 98-сон, 3 - 16 б.) қоида тариқасидадир. Шўро иттифоқи ўқийриғида миллий жумҳуриятлар манфаати қафолати ҳукуқи бор-йўқлиғига доир масалани излаш бефойда. Чунки Шўро иттифоқининг ҳуқуқронлиги доимо устун қўйилиб қелинган. Бундан ташқари Шўро иттифоқи ўқийриғи фақатгина коммунистик партия иродасидир. Шўро манбаларидан яққол кўриниб турадики, Компартия иродаси «конун»дир. Шўро иттифоқи ўқийриғининг 125-моддаси КП нинг раҳбарлиқ ролини, жамоат ва давлат ташқилотларининг йўриғини белгилаб берувчилик вақифасини ўтайди. Ҳар бир миллий давлат ташқи ишлар нозирлиги ва элқихоналар эгасидир. Но-мигагина мавжуд бўлган Шўро жумҳуриятлари ташқи ишлар нозирлари шўро дипломатиясида бир қўғирчоқдир, ҳолос. Туркистондаги шўро жумҳуриятлари «давлат нозир»лари обрўсининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Руслар бундай қишиларни таҳқирлаши мумкинлиғига Туркистонда етарлича мисоллар бор. 1924 йили РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси Қирғизистон мухтор ўлкасида қирғизлар билан

руслар орасидаги бир ихтилофни ўрганиш учун Ўзбекистон давлат раиси Охунбобоев бошчилигида икки рус аъзоси ҳам бўлган бир комиссия тузди. Киргизлар ўз молларини бир рус маҳалласи оркали ўтлоққа ҳайдади. Руслар бунга норози бўлиб, ўт очиб, 5 киргизни нобуд қилади. Охун-бобоев ўз ҳисоботида фожиада руслар гуноҳкор бўлиб, киргизлар ҳақ деган ҳулосани билдирди. Комиссиянинг рус аъзолари эса бу воқеада руслар ҳақ, деган қарорга қилишди. Шу масала юзасидан Ўрта Осиё бюроси бошлиғи Зеленский Охунбобоевга шундай деган эди: «Рус миллатидайд маданиятли бир миллат бундай ҳолда гуноҳ қилмаслигини билмайсизми? Бундай гуноҳ қилиш факат сизлар қаби жохил ва ваҳший инсонларга ҳосдир. Ахир ўйламадингизми, мен бошлиқман, бундан қелиб қикадики, ҳамма иш менинг қўлимда. Мен истасам, сизни вазифангиздан дарҳол озод қиламан» («Yeni Tiirkistan» 1927, 5-6-сон, 26-6.).

1932 йили бир рус темир йўл ходими Тожикистон ССР давлат раиси Шотемирга станция бўйлаб ўтишига руҳсат бермаган. Давлат раиси станция бошлиғидан руҳсат қогози беришини илтимос қилганида, бу илтимос ҳам рад қилинган эди. Кейинчалик ҳам бундай қелишмовчиликлар тез-тез содир бўлиб турди. Киргизистон шўро жумҳурияти давлат раиси Т. Кулатов ўз жумҳуриятида соғлиқни сақлаш иншоотлари учун 1962 йил декабрида Шўро иттифоқи ҳукуматидан 2 миллион сўм маблағ сўрашга мажбур бўлган (СК, 9 декабрь, 1962, 2-6.). Туркменистон давлат раиси А. Анналиев ҳам ўз миллий давлатидаги театр таъмири ва ҳаражати учун 92 000 сўм пул тилаб олишдан бошқа чора топа олмаган (ТI, 10 декабрь, 1962 й., 2-6.). Бу ҳолатлар миллий ҳуқуқлар ҳурмат қилиниши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигининг далилидир. Миллий жумҳуриятларнинг (Охунбобоевдан ташқари) барча давлат раислари ёки бош нозирлари ўз ҳамюртлари томонидан эмас, балки Москва ёки Туркистондаги рус амалдорлари томонидан 1936 - 1939 йилларда қаматилдилар, отилдилар (Уларнинг орасида Нусратилла Маҳсум, Абдулла Раҳимбой, Айтқок, Қ. Атабой, Файзулла Хўжа, Абдураим Хожибой, Султон Сегизбой, Шотемир ва бошқалар бор эди.).

Миллий давлатлардаги барча ҳатти-ҳаракатлар Москва изни билан бўлиши бир нави, интернационализм никоби остида шўролаштириш, миллатсизлаштириш, руслаштириш ва умуман, Туркистонда мустамлақачилик илдизини чуқурлаштириш ҳаддан ташқари авж олди. Миллатсизлаштириш (ўз миллий туйғусидан бегоналаштириш)дан мақсад социалистик миллатларнинг бири иккинчиси билан яқинлашиши натижасида уларнинг тили русча бўлган бир «совет (шўро) миллати» ҳолида аралашиб қетишидир. Шўро иттифоқи КП XXII конгресси томонидан тасдиқланган бош йўриқ лойиҳасининг асосий мақсади ҳам маъқур «шўро миллатларининг» овозини ўчириш эди (Миллатларнинг унини ўчириш юзасидан қаранг: A.Awtarchanov, Das Kommunistische Program zur Entnationalisierung der Nationalitäten der UdSSR, München, 1964; А. Завкий, СССРда миллат масаласи, МТ, 1967, 122-сон, 11 - 23 бет; Хайит, Совет бирлигида «ижтимоий миллатлар ва уларни битириш масаласи», МТ, 1965, 106-сон, 12 - 17 бет. «Хрушчев доирасининг миллий сиёсати ҳақида қаранг: Boris Levitzckiy, Politika Narodowskova SSSR w dobie chruscowa, 1966, 302-бет.). Бу борадаги шўро раҳбариятининг мўлжали миссионер Ильминскийнинг режасидан деярли фарқ қилмасди. Ильминскийнинг ҳаракат режаси қискача қуйидагича изоҳланади:

Турк тилларга рус алифбосини тикиштириш орқали она тилини эмас рус тилини чуқур ўрганиш. Шўроларнинг коммунистик мафқураси миллатларнинг маъжудлигини писанд қилмайди, унга факат бир ўткинчи босқич сифатида қарабини Шарқ меҳнатқаш коммунистлари университетининг собиқ ректори Г. И. Бройдонинг қуйидаги фикрлари

исботлайди: «Жамият окибатда пролетариат галабаси туфайли бора-бора миллий шуурдан кутула боради. Аста-секин миллий шуур деювчи мафкурачилар ҳам йўкола боради. Уларнинг караши ҳам факат музейларда химоя қилинади. Ўша пайтларда булардан миллатлар асосида бўлиниш даври ва шу даврдаги ҳаётни, коммунизм болалари билан бошқа инсонлар орасида қандай қонли урушлар бўлганлигини ўрганиш учун фойдаланади... Коммунистик жамият тараккиёти инсонлар миллий тараккиётни ва миллий муносабатларни унутиб юборадилар. Шу зайдда миллат ўлажакдир» (Национальнмй вопрос, Москва, 1925, 10 - 11 б.). Миллий туйгуларни йўқ қилишнинг энг қучли охириги унсури сифатида «мамлакат ичида қўчириш» сиёсати иш бер-ди. Туркистонда шўро жумхуриятлари ташкил қилинган вақтда Ўзбекистонга 150 308, Туркменистонга 47 000, Қирғизистонга 135 784 ва Қозогистонга 1 627 560 рус ва украин қелиб ўрнашишга улгурган эди (Бройдо, «Национальншй», 97, 104, 106-бетлар.). 19 59 йилгача бу бегона унсурларнинг миқдори анча қўпайди. 1959 йили Ўзбекистонда 1 091 000, Қирғизистонда 624 000, Туркменистонда 267 000, Тожикистонда 228 000, Қозогистонда 6 225 000 рус ва украин яшарди (Мироненко, Совет Туркистони. Демографик ўсиш, «Тўплам», 1969, 43-45-б.; Байрамов, «Национальнмй вопрос»нинг 273-бетига биноан Ўзбекистон ССРнинг 1920 йилги аҳоли нуфусининг 74,21% ўзбеклар эди. Бу ракам 1962 йили 62,2% га тушди. 99-бет: 1926 йили Шўро иттифоқида 3 956 000 қозок бор эди. 1939 йили эса 3 890 700 (1926 йилга нисбатан 55 300 қишига озайган), 1959 йилда 3 581 000 (энди 1939 йилга нисбатан 309 700 қишига озайган) қозоқяшар эди. Қозогистон ССРда 1959 йилда 2 755 000 қозок яшарди. Қиёсланг: 97-бетга қўра, Қозогистон АССР тузилгач, (Туркистон АССРдан ажралган қозоклар билан бирга) 4 068 920 қозоқяшарди.). Бу вақтга қелиб Қозогистон ва Қирғизистон шўро жумхуриятлари туб аҳолисининг ўз еридаги нисбати бошқача бўлиб қолди. 1959 йилда қозоклар ўз миллий давлати аҳоли нуфузининг факат 29% ни ташкил қилса, қирғизлар ҳам 40 % ни ташкил этдилар. 1970 йил аҳоли рўйхатида қўра Туркистонда 9 939 000 рус ва бошқа славян қавмлари яшар эдилар. Бу ҳам Русия қела-жақда бутун Туркистонни ўзининг бир вилоятига ай-лантириш йўлидаги қатта қадамидир. Бу мақсадда собиқ Туркистонга қўплаб русларни жойлаштириш учун турли баҳона ва сабаблар ўйлаб топилди. Туркистоннинг туб аҳолисини Русия ичкарасига алдаб қўчириш ва Русиядан турли имтиёзлар билан Туркистонга тайёр «мутахассислар»ни қелтириш, йирик шаҳарларнинг паспорти қайд қилувчи органларида асосан русларни ишлатиш қабил чексиз найранглар билан Туркистонни учинчи марта босиб олиш авжига қикди. Туркистонда сўзда «мустақил» деб юритиладиган «миллий давлатларда» Туркистон миллий манфаатлари билан ҳисоблашиш у ёқда турсин, бир миллатни йўқ қилиш учун ҳаракат қучайди, иккинчи томондан, шўро раҳбариятининг Туркистондаги миллатлар огзини юмиш сиёсатиға қарама-қарши ўз миллий мавжудлигини сақлаб қолиш учун қурашаётган фидойи қучлар ҳам бор. 1968 йили Туркистондаги 5 шўро жумхуриятининг аҳолиси 31 538 000га етди. Бу ҳисобда қўчириб қелтирилган руслар ва амалдор руслар ҳам бор. Шулардан 3,3 миллиони 1959 - 1967 йиллар орасида Шўро иттифоқининг Оврўпо қисмидан Туркистонга жойлаштирилган муҳожирлардир (Мироненко, Совет Туркистони, 37 б.). Туркистонликлар ислом дини анъаналари руҳини йўқотмаганликлари учун шўроларнинг аҳоли ўсишини назорат қилиш сиёсатиға риоя қилмай, аҳоли нуфузини тез қўпайишиға эришдилар. Шубҳасиз, Туркистонда ҳам ўсиш сезилди. Аммо шўроларнинг сиёсати миллий эҳтиёжларни қондиришға эмас, балки ўз тутумиға содиқ инсонларни тарбиялаш ва ёшларни маданий, тарихий меросдан ажратишға қаратилган.

Тамал тоши 1926 йилги Боку конгрессида(Тўлик маълумот учун қаранг: Hernel. Der I.Turkologische. Kongress, 1 - 76 б.) қўйилган «Турк қавмларни тил нуктаи назаридан бир-биридан ажратиш ва ҳар бир туркий гуруҳучун алоҳида алифбо яратиш»(Шўроларнинг алифбосига - янгидан киритилган, ўзгартирилган латин алифбосига туркистонликларнинг қаршилиги яққол кўзга ташланиб турарди. РКП (б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси раиси Зеленский 8 июль 1928 йилда шундай деди: «Кўпчилик алифбонинг латинлаштирилишини мустамлака сиёсатининг янги бир кўриниши деб тушунмоқда».

Турк қавмлари янги алифбоси комиссиясининг бошлиғи Н. Тўракулов шундай ёзади: «Шўро иттифоқидаги туркий қавмлар-нинг иқтисодий ва маданий боғланишлари бунга лойик ёзув тизимини талаб қиларди ва талаб қилмоқдаки, ёлғиз бир турк тилга таянишдан кўра унинг лаҳжаларига асосланган ҳолда алоқани саклаб қолиш имконини берсин». Тўракулов, Новме задачи, НВ. 1928, 20 -21-сон, 15 - 16-бетлар. Турк қавмларнинг янги алифбоси кўмитасининг умумий хайъати 1927 йил июлда Бокуда барча турк лаҳжалар учун бир бўлиши ҳақида қарор қабул қилди. Ҳозирги шўро туркшунослари турк қавмлар алифбосидаги қарама-қаршиликларни илмий тугатиш ва ягона алифбо ҳолига келтиришга уринмоқдалар. Тўлик маълумот учун қаранг: Н. А. Баскаков, 0 временном состоянии и дальнейшем совершенствовании алфавита для тюркских языков народов СССР, «Вопросы! языкознания», 1967, 5-сон, 33 - 46-бет.) ва ният, турки қавмларга рус алифбосини зўрлаб қабул қилдириш (қизиги шундаки, бу тадбир Русиядаги турк қавмларга ва қисман фин-угор ва тунгус халқларига жорий қилинган) ҳамда турк сўзлари ёки минг йиллардан бери қўлланилиб келатган араб, форс сўзлари ўрнига рус сўзларини мажбурлаб киритиш шўролар маданий сиёсатининг асосидир(Ҳозирги Туркистондаги шўро маданий сиёсати хусусиятлари ҳақида қаранг: А. Завкий, «Туркистоннинг маданий ҳаёти ва Совет - Русия мустамлакачилиги», МТ, 1962, 92-сон, 18 - 23 б.; 94-сон, 21 -27 б., 95-сон, 1964; 100 - 105-сон, 1965,106-сон, 17 - 25 б. ва 107-сон 8 - 15 б.).

Шўро жумҳуриятларининг, жумладан, Туркистоннинг иқтисодий ривожланиши мавзуси алоҳида чуқур илмий изланишни талаб қилади. Туркистон ерларида олиб борилган иқтисодий муносабатлар миллий эҳтиёжга хизмат қилмади. Туркистонга шўро Русиясининг иқтисодиётига хизмат қилувчи бир манба сифатида қараб келинди(Пахта мисолида Туркистонда шўро иқтисодий таракқиёти йўналишини кўриш мумкин. Бурнашев, Халқ хўжалиғи ва иқтисодий сиёсат масалалари, Самарқанд - Тошкент, 1929, 104-б. Кўпдан бери Русиянинг тўқимачилик саноати Туркистондан келтирилган пахта билан яшайди. Ҳозир ҳам Шўро иттифоқининг тўқимачилик саноати Ўрта Осиё ва хусусан, Ўзбекистондан келтирилган пахта ҳисобига ўз оёғида турибди. Бу ҳолат Русияни кенг қўламда Ўрта Осиёга боғламоқда ва бирини иккинчисига қарам қилиб қўймоқда. Эски Русия ва Шўро иттифоқининг иқтисодиётига бир назар ташласак, уни Туркистонсиз ва Ўзбекистонсиз яшай олмаганини ва яшай олмаглигини кўрамыз» (Бу иқтисодий сиёсат ҳозирги пайтда: «тарихан шундай шаклланган», «ўйламай қилинган», дейилмоқда ва Ўзбекистонни Русия билан боғланиб, унга қарам бўлиб қолиши, гўё энди маълум бўлгандай қилиб кўрсатилмоқда. Ўзбекистонни оёқ-қўлини боғлаб, Русия олдида ташлаш сиёсати юз йиллаб ўйлаб қилинган сиёсати ва ҳозирги «иттифокпарастлар» ва «ҳамдўст-ликчилар»ларнинг оқоваси эканлиги яққол кўриниб турибди. Бу аввал икки томонлама қарамлик бўлиб кўринган иқтисодий муносабатнинг ҳозирги кунда бир томонига қолди, назаримда, яъни Ўзбекистон ўз пахтаси билан тўлик Русияга тобе

бўлиб колди. Русия вазиятни белгилайди, ҳолатимизни аниқлаб беради. Менимча, қачондир, қандай оғир иқтисодий оқибатга олиб келмасин, бу қарамлик арқонини узиш керак - таржимон). И. Ходоров, Национальнме размежевание, НВ, 1925, 8-9-сон, 81-6.: «Миллатларни айлариш Москва билан иқтисодий алоқаларни сусайтиришни аңлатмайди. Сув, пахта, дон, мол айирбошлаш, ипак, банклар, транспорт ва мева Шўро иттифоки манфаатларига хизмат килади. Шўро иқтисодий сиёсати мақсади ва усуллари ҳақида кенгрок билиш учун қаранг: Hayit, Die wirtschaftsproblema, 1968.).

Шўро жумҳуриятларининг қонун чиқариш ва юритиш ҳуқуқи ҳам Русия қонунларига тобе ҳолдадир. Москвада қабул қилинган қонун Шўро иттифокининг барча жумҳуриятлари учун мажбурийдир. Шўро жумҳуриятларида бирор қишининг Москвадан келган қонун ва кўрсатмаларни муҳофама қилиш ёки рад этиш ҳуқуқи йўқ. Шўро раҳбарлари «Шўро иттифоки қонунлари» ҳамма ерда қўлланилишини талаб қилади. Зеро, Ленин айтганки, «Қалуга ва Қозоннинг қонунлари бўлмайди, балки қонунлар ҳар бир ўлка ва жумҳуриятлар учун муштарак бўлиши лозим(Ғафуров. Некоторше вопросм, 80-6.).

Жумҳуриятлар Шўро иттифокида ҳатто бир мустиқил ташкилот ҳуқуқига ҳам эга эмас. Шўро иттифоки ўқийриги бўйича ҳам Шўро иттифокидаги жумҳуриятларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари (ташки ишлар, муҳофаа, молия, ташки савдо, адлия, иқтисод ва маданият сиёсат) СССР ҳуқуқмати ихтиёрига топширилган. Шўро иттифоки ўқийрининг 14-моддасига биноан шўро жумҳуриятларининг «миллий» нозирлиқлари (махаллий - қоммунал ва махаллий саноат қаби нозирлиқлар бундан мустиқсно) иттифок нозирлигининг шуъбаси ҳуқуқига эга. 1956 йилгача шўро жумҳуриятларининг маданият нозирлиқлари қисман мустиқилликка эга бўлган бўлса, энди бу ҳолатга ҳам чек қўйилди. Шўро жумҳуриятларининг маданият ва таълим-тарбия нозирлиқлари марказий ҳуқуқатнинг шу номдаги нозирлиқларига тўғридан-тўғри бўйсунадиган бўлди. Демак, мақкур жумҳуриятлар ўз маданий ҳуқуқларидан ҳам воз кечишига тўғри келди. Шўроларнинг «шаклан миллий, мазмунан социалистик» шиори мустиқил маданий сиёсат олиб боришга ҳеч қандай имқон бермайди. Марказий ҳуқуқат ўзининг жуда қўп қарорлари билан миллий жумҳуриятларни бир маъму-рий бирлик даражасига келтириб қўйди. Шунинг учун ҳам шўро жумҳуриятлари «иттифокдан ихтиёрий чиқиб кетиш» ҳуқуқидан фойдаланиш имқонига эга эмас. Чунки уни қандай амалга ошириш кераклигини миллий жумҳуриятнинг ўзи эмас, балки Шўро иттифоки ҳуқу-мати белгилайди. Бундан ташқари, шўро ҳуқуқати Ленин тезисларига асосланиб иш қўрган муддат давомида «миллий жумҳуриятлар» ҳалқнинг ялпи овоз бериши йўли билан иттифокдан ажралиб кетиши муқкин эмас.

Ленин: «Ажралиб чиқиш - режаларимиздан қатъиян ўрин олмаган. Бунга жиддий қиришилмайди. Умуман, биз ажралиб чиқишга қаршимиз(Ленин қуллиёти (русча), С. 48, 235-бетда; Байрамов, Национальнмй вопрос, 263-бетда. Ленин яна шундай дейди: «Миллатларнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилашидан уларнинг ажралиб, ўз давлатларини тузиши аңлашилади». 1955, 70-6. 863 Ленинга қўра, Русия 1876 йилда 17 млн ва 1917 йилда 17,4 млн км2 мустамлақа ерига эга эди. Қиёсланг: Ленин о Средней Азии, 217-6.), - деб ёзган эди. Бу билан Шўро иттифоки қор мустамлақачи давлатининг меросхўри сифатида тарих майдониғачикди. 1917 йили Ленин Русияни «мустамлақачи императорлик» деб таърифлаган эди(Раджабов. Роль... 207-6.). Бу императорликда миллий муаммолар жуда муҳим роль ўйнар эди. Болшевиклар ҳоқи-мият орзусида юрган пайтда миллий қуқларни ўзига қаратишга интильди. Шунинг учун 1903 йилдан бери миллий масала энг муҳим муаммо саналиб келинди. Болшевиклар ўша даврларда бу

хусусда тўлик ўз тақдирини ўзи белгилаш билан бирга мустакил давлат бўлиб, Русиядан ажраш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берганди. Аммо Русия императорлиги «Шўро иттифоки» киёфасида қайта тузилди. Кейин миллатларнинг ҳуқуқлари ҳақида турли хил қонунлар яратилди. Миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқи бўйича Шўро иттифоки олиб борган сиёсатга назар ташласак, шўро тутуми асос моҳиятига кўра Русия мустамлакачи императорлиги анъанасини никобланган ҳолда давом эттирмоқда, деган ҳулосадан бошқа фикрга келиш мумкин эмас. Кавказ қавмлари ва турк қавмлари, Волгафин ҳамда мўғул қабилалари «мустамлака миллатлари» ҳисобидадир. Туркистондаги «миллий» шўро жумҳуриятлари мадҳия (гимн)лари: Буюк Рус жумҳуриятларни абадий бузилмас иттифок қилиб бирлаштирди» (Раджабов. Роль... 207-6.), деб қуйлашга мажбур бўлишлари, қизик. Мустамлакачилик сиёсатида «миллий жумҳурият» тузуми бир восита - қурол сифатида намоён бўлди. Бу ўринда «мустакиллик», «ҳукмронлик» ва «жумҳуриятлар ўз тақдирини ўзи белгилаши» қабилборалар шўро ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати никоби, ҳолос. Шўролар олиб борган сиёсат айнан шундай ҳолатда эканлиги ҳеч қим томонидан на расман ва на илмий инқор қилинган эмас. Шунга қарамай, шўро назариётчилари вақили: «Миллий шўро давлатчилиги, шўролар шаклида ўз ҳолича яшаётган миллатлар меҳнатқашларининг сиёсий ҳокимиятини рўёбга чиқариш шаклидир», (Радвогин, 0 понятии Советской национальной государственности. «Советское государство и право», 1966, 7-сон.) - деб ёзмақда. Яна бошқа бирови шундай ёзибди: «Миллий шўро давлатчилиги шўролар асосида тузилган ўзаро боғлиқ миллатлар меҳнатқашларининг сиёсий ҳукмронлиги тизимидир. Бу тизим шўро миллатларининг умумий ишларини амалга ошириш билан бирга, миллатларнинг иқтисодий ва маданий ўсиши ҳамда улар орасида коммунистик муносабатларни ўрнатиш қабил ўзига ҳос вазифаларни бажаради» (Қиселев, К вопросу, 6-6.). Миллий масала бўйича шўроларнинг етакчи назариётчиси И. П. Цамерян ифодасига кўра: «Шўро миллий давлатчилиги коммунизмни бунёд қилиш ва миллатларнинг ҳар томонлама таракқиёти ва бир-бирига яқинлашуви учун иқтисодий, сиёсий ва маданий вазифаларни амалга ошириш, меҳнатқашларни байналмилал руҳда тарбиялаш ва миллатчилик сарқитларини мутлақо йўқотиш учун муҳим бир қуролдир» (Цамерян, Развитие, 52-6.). Иққинчи томондан, шўро назариётчилари фикрига кўра, давлат фаолиятида миллий сабабларни на муболага қилиб бўлади, на алоҳида идеализация қилиб бўлади (Қиселев, К вопросу, 8-6.). Ҳозирги вақтда «миллий» шўро жумҳуриятлари обрўси билан ҳеч қим ҳисоблашмайди. Фақат шўро назариётчилари ҳамон «коммунистик жамиятда миллатларнинг фарқлари йўқ бўлиб кетади» (Ҳоназаров, Сближения нации, 231-6. Бундан ташқари, шўро матбуоти шуни баён қилди: «Ўзбекистон мисолида социалистик миллатларнинг иқтисодий, маданий ва тил соҳаларида бир-бирларига яқинлашиши қонуний бир жараёнлиги кўринади. Барча миллатларнинг маданий ва тил, ҳаёт тарзи улар орасидаги аралашувни очик-ойдин кўрсатмоқда. Бу ҳолат миллатлар орасидаги фарқли хусусиятлар қадам-бақадам қамайиб бораётганлигини намойиш қилмоқда. Социалистик миллатларнинг хусусиятлари бир бутун Совет ва коммунистик хусусиятларга бирлашади. Коммунизмда миллий фарқлар бўлмайди. Коммунизм зафари натижасида ҳамма миллат битта миллатга айланади». Қиёсланг: «Қизил Ўзбекистон», 1961 йил, 12-сон, 25 май.) деб тақрорлашдан ҳеч қачон қарчамайди. Бундан ташқари, шўролар қуйидаги қарашни ҳам қаттиққўриб ҳимоя қиладилар: «Миллатларнинг ўзаро аралашиб, қатишиб кетиши миллий муҳтор давлатларни, ҳатто иттифокдош жумҳуриятларни миллатсизлаштиради, шу жараёнда

шўро жамияти ҳам миллатларнинг ягона бир давлат - ҳуқуқ аралашмасининг - яқин келажакнинг масаласи бўлган бир нуктага томон олиб боради» («Советское государство и право», 1961, 12-сон, 23-6.). Хозирги замонда миллатларнинг ўзаро яқинлашуви ташвиқ қилинмоқда, чунки бу нозик масаланинг ўртадан тезроқ кўтарилишини кутишмоқда. Шунинг учун ҳам шўроларнинг сиёсий адабиётларида «миллатлар яқинлашувининг тарғиб қилиниши ва миллатчилик қолдиқларига қарши кураш бутун коммунистик партиянинг ва барча шўро афкор оммасининг вазифаси эканлигини» кўрамиз (Джангильдин, Коммунизм, 201-6.).

Амалдаги шўро назариялари ва ҳақиқий ҳаёт Туркистондаги шўро жумҳуриятлари (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистон) миллий давлатлар эмаслигини ва ҳолатни асраб қолиш учун атайлаб гайримиллий сиёсат олиб боришнинг исбот талаб қилмас керак. Замонавий шўро тутуми «миллатларни» шошилинч йўқ қилиш йўли билан туркистонликларнинг миллий ҳаракатининг олдини олмоқчи бўлади. Шу билан бирга миллий шуур ва гайримустамлака туйғулари ўса бошлаган Шарқ миллатларига қарши зимдан ҳаракатда ташки сиёсатнинг ҳам муҳим аҳамияти бор. Туркистоннинг аччиқтажрибаси шуни очик-ойдин кўрсатиб турибдики, Туркистондаги миллий шўро жумҳуриятлари шўро-рус империализмининг туб аҳолига нисбатан қўллаб келган никобланган қурол - воситадир. Бунинг заминида узокни кўзлаган мақсад - руслаштириш, ёш авлодни коммунистик руҳда вояга етказиб, бошқа славян халқлари билан бирга мамлакатни руслар томонидан мустамлака қилишни - ўзлаштиришни охирига етказиш, яъни ерлик халқлар - турклар ва мусулмонларни бартараф қилиш, онгини ўзгартириб юбориш, рус анъ-аналарини сингдириш. Мана шу вазифани бажаришда маъқур «миллий давлатлар» шўро-рус тутуми мақсадини амалга оширувчи ажойиб восита - қуролдир. Шунинг учун ҳам Туркистон аҳолисининг 70 % ташкил қилувчи туркистонликлар (қозоқлар, қирғизлар, тожиқлар, туркманлар, ўзбеклар)нинг шўро сиёсатига қаршиликлари доимо тадрижий қучайиб боради. Яъни шўроларнинг Туркистонда «миллатларни аралаштириб юбориш» сиёсати тобора авж олиб боришига (Туркистонга 1926 йилдан бошлаб онгли равишда турли миллатларни ҳар хил баҳоналар билан тикиштириб жойлаштириш, масалан, руслар, украинлар, белоруслар, поляклар, латвияликлар, эстонлар, литваликлар, қавказликлар, қорейслар, олмонлар қабилар ҳамда буни интернационаллаштириш деб оғизни қўпиртириб мактаб, энг «маданий» йўл билан миллатни йўқ қилиш воситаси эканлигини ҳаспўшлашга) қарамасдан Туркистонликлар ўз миллий хусусиятларини сақлаб қолишга эришдилар. Қадимдан дунё афкор оммасига аниқ ва равшан маълумки, Россия ва Хитой ўз манфаатлари йўлида таъсир доирасини Туркистон ҳисобига қенгайтиришга уриниб келган. Руслар Хитойни Шарқий Туркистондан қувиб чиқариш, хитойлар русларни Ғарбий Туркистондан сиқиб чиқариш орзусидадир. Туркистоннинг ягона ҳокими бўлмоқчи бўлган коммунизм мана шу икки баҳайбат, шафқатсиз, қўпол қуч шаклида намоён бўлди. Туркистон бу икки қора дев орасида ҳар иккаласидан ҳам заиф бўлишига қарамай, ўзлигини, мавжудлигини ҳимоя қилиш учун доимо оёққа туриб келди ва қурашишдан тўхтамади.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой ораллигида" қитобидан

